

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2019 йил ноябрь ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг очик сайёр суд мажлиси Денов туман ИИБ биносига бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси К.Р.Муродов, судья ёрдамчиси А.Алиқуловнинг котиблигида, тарафлардан Денов туман прокурорининг ёрдамчиси М.Чориев, И.Фозилов, судланувчи ХХХХХ ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Эгамбердиевнинг иштирокида, ХХХХХга оид 1-1905-1902/170-сонли жиноят ишини кўрди.

ХХХХХ 2000 йил 5 август куни Денов шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, бўйдоқ, мукаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман судининг 2016 йил 28 ноябрдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми ва 169-моддаси 3-қисми билан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “амнистия тўғрисида”ги қарорига асосан ҳаракатдан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2017 йил 22 июндаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари 1.497.750 сўм жарима жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2017 йил 25 августдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари 2.246.625 сўм жарима жазоси тайинланган;

4) жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2017 йил 7 ноябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 18 баравари 2.695.950 сўм жарима жазоси тайинланган;

5) жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2018 йил 27 февралдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 60-моддасига асосан 1 йил озодликни чеклаш ва энг кам ойлик иш ҳақининг 18 баравари 2.695.950 сўм жарима жазоси тайинланган;

6) жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2018 йил 27 апрелдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 85-

моддасини қўллаб, 60,61-моддалари тартибида 4 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш ва энг кам ойлик иш ҳақининг 18 баравари 2.695.950 сўм жарима жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Яшнобод туман судининг 2019 йил 26 мартдаги ажримига кўра ўталмай қолган 3 йил 11 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2019 йил 27 июндаги ажримига кўра тўланмаган 1.295.950 сўм жарима ЖКнинг 44-моддасига асосан илгариги ахлоқ тузатиш ишлари жазосига қўшилиб, ўташ учун ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил 22 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ушбу жазони ўтамаган, ишламайди, Денов шаҳарда яшаган, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, ушбу эҳтиёт чораси жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2019 йил 17 октябрдаги ажримига кўра “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига алмаштирилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини, тарафларнинг музокара нутқларини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, уларни жиноят иши бўйича тўпланган далиллар билан солиштириб таҳлил қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи ХХХХХ, муқаддам бир неча мартаба қасддан содир этган жинояти учун судланганидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, 2019 йил апрель ойи бошидан июнь ойи охирига қадар Денов тумани, “Дунётепа” маҳалласида яшовчи Д.Эргашева билан ўзаро танишиб, ундан пуллари ва моддий қийматликларни алдов йўли билан олиб, қайтариб бермаслик мақсадида биринчи марта 500.000 сўм пул, 1 дона “Iphon 5х” русумли телефонини қайтариб бериш шарти билан олиб, кейинчалик эса 1 жуфт 2.10 грамм бўлган сирға ва 3 дона 6.95 гр., 7.91 гр., 7.93 гр. бўлган аёллар тилло занжирларини автомашинаси бўлмаса-да, Д.Эргашевага автомашинаси борлигини айтиб алдаб, автомашинасига эҳтиёт қисмлари олиш учун гаровга қўйиб пул олишликни айтиб алдаб олиб, ундан кейин яна 2.000 АҚШ доллари миқдордаги пулларни ҳам автомашинасига эҳтиёт қисмлари олиб таъмирлаб чиқариб бозорга сотиб, автомашинасини сотишдан тушган

пулларни бир қисмига Д.Эргашевадан олган тилла тақинчоқларини гаровга қўйиб пул олган жойдан олиб келиб беришлигини айтиб уни алдаб, ишончига кириб жами 2.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни ҳам олиб, уни ишончини суиистеъмол қилиб, фирибгарлик йўли билан ундан олган пул ва бошқа буюларни ўз изтиёжлари учун ишлатиб юбориб, Д.Эргашевага анча миқдордаги жами 25.666.480 сўм моддий зарар етказган.

Судда сўралган судланувчи ХХХХХ, 2019 йил апрель ойининг ўрталарида бозор ҳудудида Эргашева ДДДДдан телефонидан бировга кўнғироқ қилиб олиш мақсадида олиб, ўзининг телефон рақамига кўнғироқ қилгани, шу кун кечаси ДДДДга кўнғироқ қилиб “телефонингизни сўраб турган боламан сиз билан танишмоқчиман” деб айтгани, шу тариқа ДДДД билан танишиб гаплашиб юргани, ДДДД “Даллс” биносида абитуриентларга математика фанидан қўшимча дарс беришини айтгани, ДДДДга яқин бўлиш мақсадида “Даллс” ўқув марказига қўшимча дарс машғулотига қатнагани, апрель ойининг охирларида ДДДДни чақириб “машинамни таъмирлаб олишим керак пулинг бўлса бериб тур” деб айтгани, шунда ДДДД пластик картасида пули борлигини айтгани, ДДДД билан Бободехқон бозоридан пластикидаги 500.000 сўм пулларини нақдлаштириб, 490 000 сўмини олгани, шундан сўнг ДДДДдан “IPHON-5” русумли телефони Термиз Давлат Университетининг Денов филиалини олдида бир икки кунга ишлатиб туриш учун олиб қайтариб бермагани, кейин ушбу телефонни йўқотиб қўйгани, орадан икки уч кун ўтиб, ДДДД кўнғироқ қилиб телефони қайтариб беришини сўраганида унга сабр қилиб туришини айтгани, 2019 йилнинг май ойи бошларида ДДДДдан Университетнинг олдида бир жуфт 2.10 грамм бўлган сирғасини “машинага эҳтиёт қисмлари керак бўлиб қолди” деб, уни алдаб, машинани сотиб пулини қайтаришини айтиб олгани, унинг сирғасини заргарлик дўконига 520.000 сўмга сотиб юборгани, бир икки кун ўтгандан сўнг унга телефон қилиб, “машинамга эҳтиёт қисмлари етмай қолди, менга яна бир иккита эҳтиёт қисмлари керак шунинг учун менга пул керак сени ҳам нарсаларингни қайтараман” деб айтгани, ДДДД пули йўқлигини айтгани, унга бўлмаса тилло олиб келиб беришини айтгани, у университетнинг олдида 6.95 грамм бўлган тилло занжир олиб келиб бергани, бу тилло занжирни сотиб юбориб ўз эҳтиёжи учун ишлатгани, уч кун ўтиб ундан яна уйдагиларини тилло занжирини олиб келиб беришини айтгани, ДДДД Университетнинг олдида икки дона биттаси 7.93 грамм, иккинчиси 7.91 грамм бўлган тилло занжирларини олиб келиб бергани, ДДДД пуллари ва занжирларини сўраганида унга машинага эҳтиёт қисми олиш учун тилло занжирларни гаровга қўйиб пул олганлигини айтгани, бу пулга эса машинасига эҳтиёт қисм олиб автомашинасини сотиб пулини беришини айтиб, 2.000 АҚШ доллари сўрагани, унга 600 АҚШ доллари мваинани устахонадан олиб чиқиш учун, 1.400 АҚШ доллари эса гаровдаги нарсаларни олиб чиқиш учун деб айтгани, ДДДД 600 АҚШ доллари берганда ҳеч қанақа автомашина ва гаровга ҳам ҳеч нарса қўймаганлиги сабабли бу пулларни эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, ДДДДдан яна 1.400 АҚШ долларини олиб, бу пулга

“ВАЗ 2111” русумли автомашинани 1.000 АҚШ долларига сотиб олгани, қолган пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарарларни ишлаб тўлаб бериши, енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Судда сўралган жабрланувчи ДДДД, 2019 йил апрель ойида “Универмаг” савдо мажмуаси ёнида турганида ўзига нотаниш бўлган бир бола келиб, телефонини бериб туришини сўраганида телефонини бергани, шунда у кимгадир кўнғироқ қилгани, шу пайт дугонаси Ширин келиб қолгани, у билан кетгани, кечқурун уйда бўлганида номаълум рақамдан бир бола кўнғиров қилиб “сиз математика фанидан дарс берар экансиз, мен институтга топширмакчи эдим, шунинг учун менга дарс бераолсизми” деб сўраганида у болага душанба, чоршанба, жума кунлари дарс беришини айтгани, сўнг икки кундан сўнг “Даллс” ўқув маркази биносида дарс бераётганида икки кун олдин телефонини сўраб олган бола, яъни ХХХХХ ёнига келиб, икки кун олдин кўнғироқ қилган бола эканлиги, исми ХХХХХ эканлиги, 1997 йилда туғилганлигини айтгани, шунда ХХХХХ икки ҳафталар дарсга қатнашгани, кейинчалик ХХХХХ билан телефон орқали гаплашиб юришгани, 2019 йил 4 май куни ХХХХХ кўнғироқ қилиб, уни чақиргани, келган вақтида бир шериги билан тургани, ХХХХХ машинаси мотори бузилиб қолгани, пули бўлса 500.000 сўм бериб туришини, 10 кун ичида қайтаришини айтгани, пластик картасида пул бўлганлиги сабабли бозор худудидан нақдлаштириб, 490.000 сўм бергани, бир ҳафталардан сўнг ХХХХХ Университетга келиб, телефонини бериб туришини, ўзини телефони ишламаётгани, машинасига қўйиб Термизга бориб келишини, кечгача қайтариб беришини айтиб олгани, шундан сўнг кечроқ телефон қилганида ҳали Жарқўрғон туманида эканлигини, телефонни эртага беришини айтгани, эртаси куни телефон қилганида кўтармагани, шунда СМС ёзгани, ХХХХХ кечаси келаётганида машинаси билан одам уриб юборгани, ИИБда эканлигини айтгани, шундан сўнг икки кун ўтиб, телефони керак бўлганлиги айтиб қайтариб беришини сўраганида ХХХХХ телефонини машинисига эҳтиёт қисмлари олиш учун гаровга қўйганлигини айтгани, унга телефон зарур бўлаётганлигини айтгани, шунда ХХХХХ 1 жуфт тилло зираги ва бир дона тилла занжирини олиб, ярим соатда телефонни олиб келиб беришини айтиб кетгани, унга бир неча маротаба кўнғироқ қилигани, лекин у устахонада эканлигини айтгани, 2019 йил май ойининг охирларида ХХХХХ телефон қилиб, ҳозир Тошкентдалигини 14.000.000 сўм қарзи борлигини, ярмини тўлаганлигини, қолганини тўлаши учун пул кераклигини, шунинг учун Тошкентдан қайтгунича тилло топиб қўйишини айтгани, унга тилло йўқлигини айтганида агар келгунича тилло топиб қўймаса уйдагиларига бориб гаплашиб юрганлиги, Университетга ҳам бориб шу ишни қилишини, кўчада юролмайдиган қилиб қўйишини айтиб кўрқитгани, Тошкентдан келгандан сўнг Шохбекатга чақиргани, борганида ХХХХХ “тилло топдингми” деганида тиллоси йўқлигини айтганида, яна кўрқитгани, эртаси куни уйдан онаси Мамаражабова Зайнабнинг бир дона тилло занжирини олиб бориб бергани, ХХХХХ “бу кам яна олиб кел” дегани, унга эртаси куни

яна уйдан опаси Эргашева Ироданинг бир дона тилло занжирини олиб келиб бергани, 4 июнь куни ХХХХХ телефон қилиб, 600 АҚШ доллари олиб келиб беришини, машинасини созлаб, сотиб ҳамма пул ва тиллоларини қайтариб беришини айтгани, унга пули йўқлигини айтганида яна кўрқитгани, кўрққанидан унга уйдаги сейфдан 600 АҚШ долларини олиб келиб бергани, 3 кун ўтгандан сўнг ХХХХХга телефон қилиб, машинани сотиб бўлган бўлса пулни олиб келиб беришини айтганида у бақириб телефонини ўчириб ташлагани, шундан сўнг ХХХХХни онасига кўнғироқ қилиб, ўғли ундан пул олиб қайтариб бермаётганлигини айтгани, шунда онаси уйига боришини, гаплашиб олишни айтганлиги сабабли, уни уйига боргани, ХХХХХни онаси ХХХХХ 2000 йилда туғилганлигини, илгари қамалиб чиққанлигини айтгани, шунда ХХХХХ машинасини сотиб пулларини беришини айтганлиги, ХХХХХ онасини гапларидан жаҳл қилиб “билганингни қил, пулларингни ва тиллоларингни ҳам қайтариб бермайман” деб айтгани, бир хафтадан сўнг ХХХХХ яна телефон қилиб, 1.400 АҚШ доллари беришини, қарзларига бериши кераклигини айтгани, унга пули йўқлигини айтганида у қамалиб чиққанлигини агар олиб келиб бермаса ўлдириб юборишни айтиб кўрқитгани, шунда унга яна сейфдан отасига тегишли бўлган 1.400 АҚШ доллари олиб чиқиб бергани, шундан сўнг у умуман телефон кўнғироқларига жавоб бермасдан келгани, судланувчидан етказилган зарарларни ундириб бериб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатма берди.

Судда сўралган гувоҳ Ж.Имомов, иш бўйича жабрланувчи қизи экани, 2019 йил 17 июнь куни ишхонасида ўтирганида бир аёл келиб қизи ДДДДДнинг исмини айтиб “шу қизнинг отаси бўласизми” деб сўрагани, унга ҳа деб жавоб берганида у аёл қизи ДДДДДни ўғли ХХХХХга пул ва тақинчоқларини берганлигини айтгани, ўғли ХХХХХни хулқи ёмонлигини, илгари қамалиб чиққанлигини айтиб йиғлагани, пулларни топиб беришини ариза ёзмаслигини сўрагани, бу хабардан хайрон бўлиб қолиб қизи ДДДДДга кўнғироқ қилиб, дарсдалигини билиб, уйда гаплашамиз деб айтгани, кечки пайт турмуш ўртоғини навбатчиликдан олиб бирга уйга борганлиги ва қизи билан гаплашгани, қизи ДДДДД ХХХХХ деган болага 500.000 сўм пул, бир жуфт тилло зираги, уч дона биттаси ўзиники бўлган тилло занжири, опаси Ироданинг тилло занжири ва онасининг тилло занжирларини ҳамда телефон ва биринчи маротаба 600 АҚШ доллари, иккинчи маротаба 1.400 АҚШ долларини кўрққанидан олиб чиқиб берганлигини айтгани, турмуш ўртоғи билан қизи ДДДДДдан “нега танимаган билмаган болага бунча пулларни бериб юбординг” деб сўраганларида ДДДДД ХХХХХ кўрқитганлиги сабабли берганлигини айтгани, судланувчидан етказилган зарарларни ундириб бериб, унга қонуний чора кўришни сўраб кўрсатма берди.

Судда сўралган гувоҳ З.Мамаражабова, иш бўйича жабрланувчи қизи экани, 2019 йил 18 июнь куни Денов туман тиббиёт марказида ишда бўлганида турмуш ўртоғи кўнғироқ қилиб, қизи ДДДДД бир болага телефон, 500.000 сўм пул, бир жуфт сирға, 3 дона тилло занжир, қизи Эргашева Ироданинг 7 грамм бўлган тилло занжири, ўзининг занжирини ҳамда 2.000

АҚШ долларини уйдан олиб чиқиб бериб юборганлигини айтгани, уйига бориб қизи ДДДДдан сўраганида қизи ДДДД юқорида айтиб ўтган нарса ва пулларни ХХХХХ исмли болага берганлигини айтганлигини билдириб кўрсатма берди.

Судда сўралган гувоҳ Г.Ғиёсова, ХХХХХ ўғли экани, ўғли 2019 йил май ойидан буён юриш-туриши ўзгариб қолиб, 2019 йил июнь ойини бошларида “ВАЗ 2106” автомашинани ижарага олиб ҳайдаб юрганлигини, хужжатлари бўлмаганлиги сабабли эгалари олиб кетишгани, 2019 йил июнь ойининг бошларида ДДДД исмли қиз уйига келиб, ўғли ХХХХХ у қиздан телефон ва 500.000 сўм пул олганлигини, олган пул ва телефонини қайтариб бермаётганлигини айтгани, унга “нима мақсадда бергансан қандай пулни берган бўлсанг шундай олгин” деб айтгани, ХХХХХдан “ДДДД исмли қиздан нимага телефон ва 500.000 сўм пул олдинг” деганида ХХХХХ пулни олганлигини, ўртоғини машинаси бузилиб қолганлиги учун пул олганлигини, телефонни эса ишлатиб туриш учун олганлигини айтганида ХХХХХга “қайтариб бер” деб айтгани, ДДДД 2019 йил июнь ойининг ўрталарида уйларига келиб, ўғли ХХХХХга бир жуфт сирға, уч дона тилло занжир ва 600 АҚШ доллари бергани, ХХХХХ бу нарсаларни қайтариб бермаётганлигини айтганлиги, шунда ДДДДни ИИБга ариза топшириш учун олиб боргани, лекин ариза беришмаганлигини, ўғли ХХХХХ билан гаплашиб ўтирганида ўғлига ДДДД телефон қилгани, ўғли ХХХХХ уйдан чиқиб кетгани, эртаси куни ДДДДни уйига чақириб, ўғлига нимага бунча пул бераётганини сўраганида “ДДДД кеча ҳам 1.400 АҚШ доллари бердим” деб айтгани, унга ўғлига пул бермаслигини айтгани, шу куни ДДДД уйларига келгани, унга ўғлини қамалиб чиққанлигини, унга пул бермаслигини айтгани, ўғли 2019 йил июнь ойларида Бехруз исмли боладан 9.000.000 сўмга автомашина сотиб олганлигини билдириб кўрсатма берди.

Суд, судланувчи ХХХХХнинг жиноят содир этганликда айби, ўзининг иқрорлик кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида дастлабки терговдаги кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳ Б.Алиев, Х.Караматовларнинг кўрсатувлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, ариза, ашёни олиш ва кўздан кечириш баённомалари, чизма, фотожадвал ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа хужжатлар билан тасдиғини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан ХХХХХнинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХХХнинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, жиноятни ғараз ёки бошқа паст ниятда содир этганлиги, мукаддам қасддан содир этган жинояти учун судланиб, қасддан янги жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблашни лозим топди.

Суд, судланувчи ХХХХХга нисбатан жазо тайинлашда, уни содир этган жиноятининг хусусияти, ижтимоий хавфлилиқ даражасини ҳисобга олиш билан биргаликда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги

“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, жабрланувчининг даъвоси борлигини, жазони ўташ пайтида жиноят содир этганини инобатга олган ҳолда унга модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2018 йил 27 апрелдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми билан тайинланган 4 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган 3 йил 22 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан қисман қўшиб, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгаришсиз қолдиришни, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташни белгилашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Пленум қарорининг 10-банди 2-хат бошисида жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозимлиги қайд қилинган. *(10-банд Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2018 йил 19 майдаги 16-сонли қарорига асосан иккинчи хатбоши билан тўлдирилган)*

Шу сабабли, суд иш бўйича Д.Эргашевага етказилган 2.000 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган пайтдаги $(2.000 \times 9.515.35 = 19.030.700)$ АҚШ долларининг давлат курсидан ҳисоблаб ундиришни лозим топди.

Бундан ташқари, иш бўйича ашъвий далил сифатида олиниб, “Денов Омад Нур” автомашиналарни вақтинча сақлаш жарима майдончаси раҳбари Б.Рахматовга тилхат орқали топширилган судланувчи XXXXX томонидан сотиб олинган ҳамда 5.985.000 сўм нархланган “Ваз 21011” русумли 75 D 327 ҒА давлат белгили автомашина Мажбурий ижро бюроси Денов туман бўлими томонидан сотилиб, етказилган зарарни ундиришга қаратишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд ҳукм қилди,-

Ҳ У К М:

Судланувчи XXXXX Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Судланувчи XXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2018 йил 27 апрелдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тайинланган 4 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай

қолган 3 йил 22 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қисман қўшилиб, узил-кесил 4 (тўрт) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2019 йил 17 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи ХХХХХдан жабрланувчи Д.Эргашева фойдасига 27.625.700 сўм моддий зарар ундирилсин.

“Денов Омад Нур” автомашиналарни вақтинча сақлаш жарима майдончаси раҳбари Б.Рахматовга тилхат орқали топширилган 5.985.000 сўмлик “Ваз 21011” русумли 75 D 327 FA давлат белгили автомашина Мажбурий ижро бюроси Денов туман бўлими томонидан сотилиб, етказилган зарарни ундиришга қаратилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 10 (ўн) сутка ичида жиноят ишлари бўйича Денов туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят ёки прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

(имзо)

К.Р.Муродов

Ҳукм аслига тўғри:

К.Р.Муродов